

**“Капиталбанк” АТБ  
Kapitalbank мобил иловаси маҳфийлиги Сиёсати**

Мазкур “Капиталбанк” мобил иловаси (бундан кейин – “Илова”) маҳфийлиги Сиёсати (бундан кейин – “Сиёсат”) Фойдаланувчи Иловадан фойдаланиши вақтида унинг қурилмасидан “Капиталбанк” АТБ олиши мумкин бўлган маълумотларга нисбатан амал қиласи.

Иловадан фойдаланиш, Фойдаланувчининг мазкур Сиёсат ва унда кўрсатилган ахборотга ишлов бериш шартлари билан сўзсиз розилигини билдиради. Сиёсат билан норозилик мавжуд бўлгандан. Фойдаланувчи Иловадан фойдаланишдан воз кечиши лозим.

Илова ва ушбу Илова доирасидаги хизматлар фойдаланувчига Банк билан тузилган, шу билан бирга фойдаланувчининг шахсга доир маълумотларини Банк томонидан ишлов берилиши ва сақланишини тартибга солувчи шартномалар ва келишувлар асосида амалга оширилади.

Мазкур Сиёсат фақат Иловага нисбатан тадбиқ этилади. Банк фойдаланувчи томонидан учинчи шахсга тақдим этилган ахборот (уни тақдим этиш оқибатлари) юзасидан жавобгарликни олмайди, агар бундай тақдим этиш фойдаланувчи Иловадаги ҳаволалар орқали ўтиши мумкин бўлган учинчи томон ресурсларида бажарилган бўлса.

Банк ўз сайтида ва/ёки Иловада Сиёсатнинг янги таҳририни жойлаштириш орқали мазкур Сиёсатга ўзгаришлар киритиш ҳуқуқига эга. Сиёсатнинг амалдаги таҳрири билан мустақил танишиш бўйича жавобгарлик фойдаланувчи зиммасига юклатилади.

1. Фойдаланувчи Иловадан фойдаланиши вақтида унинг қурилмасидан олиниши мумкин бўлган ахборот (бундан кейин – “Фойдаланувчи маълумотлари”) таркиби ва уни олиш мақсадлари:

**1.1.** Фойдаланувчи қурилмаси жойлашган жойи тўғрисида маълумотлар (уяли алоқа оператори тармоғи маълумотлари ва GPS сигналлари асосида).

Мақсад: Иловадан фойдаланиш вақтида, Фойдаланувчини унинг жойлашиш худудидан келиб чиқсан ҳолда Банк худудий бўлинмалари ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмалари жойлашуви, шунингдек фойдаланувчи фойдаланиши мумкин бўлган қўшимча хизматлар (сервислар) тўғрисида хабардор қилиш.

**1.2.** Курилма камерасидан фойдаланган ҳолда олинган фото-тасвиirlар.

Мақсад: Иловада амалга ошириладиган хизматлар доирасида фото-тасвиirlарни олиш ва улардан фойдаланиш, шу жумладан, Иловада пул маблағларини ўтказиш бўйича операцияларини амалга оширишда фойдаланиш учун, тўлов ҳужжатлари ва штрих-кодларни идрок этиш (аниқлаш) мақсадида уларнинг фото-тасвиirlарини олиш.

**1.3.** Курилма операцион тизими версияси ва модели тўғрисида ахборот.

Мақсад: Илованинг ишлаш жараёнидаги эҳтимолий хатоликлар таҳлили ва Илованинг ишлашини такомиллаштириш. Таҳлил ўтказиш мақсадлари учун, Банк Курилма операцион тизими версияси ва модели тўғрисидаги маълумотларни эгасизлантирилган ҳолда бегона ташкилотларга узатиши мумкин.

**1.4.** Фойдаланувчи IP-манзили ва уланиш нуқтаси манзили тўғрисида ахборот.

Мақсад: Иловадан фойдаланиш ва молиявий операцияларни амалга ошириш вақтида Фойдаланувчининг хавфсизлигини ошириш.

**1.5.** Фойдаланувчи қурилмасидаги SMS-хабарлар тўғрисида ахборот.

Мақсад: Иловада Банкдан келиб тушган SMS-хабарларни сақлаш ва улардан фойдаланиш.

2. Фойдаланувчи маълумотларига ишлов бериш шартлари.

**2.1.** Мазкур Сиёсатга мувофиқ, Банк фақатгина мазкур Сиёсатнинг 1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун ушбу бандда келтирилган ахборотга ишлов беради.

**2.2.** Банк Фойдаланувчи маълумотларини учинчи шахсларнинг рухсатсиз фойланиши, кўчириши (нусха олиши) ва тарқатишидан ҳимоя қилиш учун Банкка боғлиқ бўлган барча ташкилий ва техник чораларни кўради.

**2.3.** Мазкур Сиёсатда келтирилган мақсадларда, Банк Фойдаланувчи маълумотларига ишлов бериш учун, Банк билан махфийлик тўғрисидаги тегишли келишувларни тузган ҳамкорларни жалб қилиши мумкин. Илованинг ишлашини яхшилаш мақсадларида Банк томонидан Иловадан фойдаланиш бўйича эгасизлантирилган маълумотларнинг ҳамкорларга узатилиши ҳамкорлар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

**2.4.** Фойдаланувчи маълумотлари Банк билан фойдаланувчи ўртасидаги шартнома муносабатлари Иловага нисбатан амал қилиш вақтида Банк ва унинг ҳамкорлари ресурсларида сақланиши мумкин.

**2.5.** Фойдаланувчи маълумотлари амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ давлат идораларига тақдим этилиши мумкин.